

---

## Пахтакор маҳалласида байрам кўтаринки руҳда нишонланди

Айни кунларда туманимизнинг ҳар бир маҳалласида Наврўз умумхалқ байрами муносабати билан миллий қадриятларимизни тараннум этувчи байрам тантаналари бўлиб ўтмоқда. Пахтакор маҳалласи аҳли ҳам байрамни кўтаринки руҳда кутиб олдилар

Нуроний отахонлар ва онахонлар юртимизга тинчлик, дастурхонларимизга қут барака, деҳқончиликларимизга мўл ҳосил тилашиб дуо қилдилар.

Байрам тадбири давомида куйланган гўзал куй-қўшиқлар, ўлан ва лапарлар ҳамда жажжи болажонлар томонидан ижро этилган баҳорий тароналар байрам меҳмонларига хуш кайфият улашди.

Шунингдек, ўзида миллийлигимизни акс эттирган либослар, миллий ҳунармандчилик ва миллий таъомлар кўргазмалари ташкил этилиб, бу ерга ташриф буюрганлар кўнглида илиқ таассуротлар уйғотди.

Наврўз тантаналари туманимизнинг барча маҳаллаларида давом этмоқда.

2023-03-16 16:22:25